

Жиноят-Хуқуқий Принциплар Тизими: Назарий Таҳлил

Акрам Икромович Тошупулатов¹

Аннотация: жиноят қонунчилигининг раҳбарий қоидалари, асослари бўлган жиноят-хуқуқий принциплар мазмунини тўғри белгилаш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириша принципларнинг ўрнини тадқиқ этиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Мақолада жиноят-хуқуқий принциплар тизимига оид назарий қарашлар таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан назарий қарашлар таҳлили асосида амалдаги Жиноят кодексида белгиланган принциплар мазмунан қайта кўриб чиқилиши зарурлиги таъкидланган.

Калит сўзлар: жиноят, принцип, тизим, жиноят, жазо, криминализация, декриминализация.

Кириш

Мамлакатимизда жиноят қонунчилигини турлича шарҳлаш ва коррупция ҳолатлари содир этилишига йўл қўядиган ёхуд ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусияти жиноят қонунчилиги принципларига мос келмайдиган қилмишлар учун жавобгарлик белгиланишига йўл қўядиган нормалардан воз кечиш, жиноят қонунчилигидаги бўшликлар, қарама-қаршиликларни бартараф этиш, халқаро стандартлар талабларидан келиб чиккан холда жиноят қонунчилигини такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар олиб борилмоқда.

Бунда, жиноят қонунчилигининг раҳбарий қоидалари, асослари бўлган жиноят-хуқуқий принциплар мазмунини тўғри белгилаш, жиноят қонунчилигини такомиллаштириша принципларнинг ўрнини тадқиқ этиши долзарб аҳамият касб этмоқда. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят-хуқуқий принципларнинг тизимига оид бир қанча қарашлар мавжуд бўлиб, уларни тадқиқ қилиш миллий жиноят ҳуқуқи назариясини бойитишга хизмат қиласди.

Материал ва методлар

Тадқиқотда Ўзбекистон Республикасининг соҳа олимларининг принийiplар тизимига оид доктринал қарашлари таҳлил қилинди.

Тадқиқот методлари сифатида қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, эмпирик тадқиқот, стастик маълумотлар таҳлили каби усууллардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари

Ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий принциплар маълум бир иерархик тузилишга эга бўлиши ва улар турли даражаларга бўлиниши ҳақида қарашлар мавжуд. Айрим ҳуқуқшунос олимлар ҳуқуқий принципларни икки, айримлари уч, айримлари тўрт ва ундан ортиқ даражаларга бўлишади. Бунда маълум бир принципнинг бутун ҳуқуқ тизимига ёки маълум бир соҳага (соҳаларга) тегишлилиги асос қилиб олинади.

Худди шундай қарашлар жиноят ҳуқуқи соҳасига ҳам тегишли. Собиқ совет даври олимлари томонидан жиноят ҳуқуқи принципларини иккига (умумий ва соҳавий), учга (умумҳуқуқий, умумжиноят-ҳуқуқий ва маҳсус), тўртга (умумий, соҳалараро, соҳавий ва ҳуқуқнинг маълум бир институтига тегишли принцип) бўлинган. А.Мальцев жиноят ҳуқуки принципларини умумий, соҳалараро, соҳавий ҳамда ҳуқуқий категориялар принциплари (масалан “жиноят” ва “жазо” категорияларига тегишли принциплар)га бўлган[1, 251-270].

¹ Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси, юридик фанлар номзоди



Бундай қарашлар ҳуқук тизими элементларига асосланади, яни қанча күп элемент бўлса, шунга мувофиқ, принципларнинг даражалари ҳам мавжуд бўлади. Бироқ бундай ёндашувлар ҳам принциплар тизимига оид саволларга тўлиқ жавоб бера олмайди. Масалан, принцип бир вақтнинг ўзида бир нечта ҳуқук институтига тегишли бўлса, унда у соҳавий принцип бўладими ёки ҳуқуқий институт принципи бўладими? деган савол туғилади. Бундай ҳолатда, уни соҳавий принцип деб бўлмайди, чунки у соҳанинг факат бир нечта институтларига тааллуқли бўлади. Ўз навбатида уни ҳуқук институти принципи ҳам деб бўлмайди, чунки у бир вақтнинг ўзида бир нечта институтга тегишли бўлади. Бу эса, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳуқук тизими элементларига мос равишда институтлараро ва нормалараро принциплар тизимига бўлиш керак, деган хulosаларга олиб келади. Айнан шу нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда, А.Попов жиноят ҳуқуқи принципларини қуидаги олти даражага: умумий, соҳалараро, жиноят-ҳуқуқий, институтлараро, нормалараро ва жиноят ҳуқуқи нормасига бўлган[2, 26].

Принципларни бундай ҳуқук тизимига оид иерархик даражаларга бўлиш умумхуқукий нормаларни бундай тизимга тушмаслигига олиб келади, чунки умумхуқукий принциплар бирор-бир ҳуқук соҳасига тааллуқли бўлмайди. Шу сабабдан ҳам айрим олимлар, умумхуқукий принципларни жиноят-ҳуқуқий принципларига киритмасликни таклиф қилишади, уларнинг фикрича, умумхуқукий принциплар факат соҳавий принциплар орқали қўлланилади [3, 16-17].

Ушбу қарашларни таҳлил қилган Т.Сабитов, жиноят ҳуқуқи принципларини иерархик асосда даражаларга бўлишда ҳуқук тузилишини асос қилиб олиш мумкин эмас[4, 136], деган хulosага келган.

Юқоридаги фикрлар таҳлили асосида принципларни иерархик асосда даражага бўлиш ҳуқук тизими элементларига мос келиши сабабли (масалан, конституциявий принцип, жиноят ҳуқуқига оид умумий принцип, жиноят ҳуқуқи институти принципи ва х.к.) кўпчилик олимлар шу жиҳатдан масалага ёндашишган. Бу ёндашув нисбатан соддалиги, унинг мазмунини тушуниш учун қулайлиги билан нафақат илмий, балки амалий жиҳатдан ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, олий таълим муассасаларида талабаларга принципларни тушунтиришда энг мақбул усул ҳисобланади. Аммо, бу ёндашув ҳар доим ҳам принципларнинг моҳиятини тўла очиб беришга, айниқса, қонун нормаларида акс этмаган, доктринал аҳамиятга эга бўлган принциплар моҳиятини тушуниш имконини бермайди.

Е.В.Скурко, жиноят ҳуқуқи принципларини тизимлаштиришда ҳуқуқий тизимдаги норматив, ташкилий ва ғоявий статик компонентлар ҳамда ҳуқук ижодкорлиги ва ҳуқукни амалга оширишдан иборат бўлган динамик компонентларга асосланган. У статик принциплар сифатида ҳуқук принциплари, ҳокимият органлари фаолиятига оид принциплар, ҳуқуқий-ғоялар принциплар, шунингдек ҳуқуқий соҳадаги одатлар ва стереотипларни кўрсатган. Динамик принциплар сифатида эса, ҳуқук ижодкорлиги ва ҳуқукни амалга ошириш принципларини кўрсатган[5, 59].

А.В.Нестеров, ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий хусусиятлари нафақат қонунлар (норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)да, балки доктрина ва одат (урф-одатлар)да ҳам намоён бўлиши мумкинлигини билдириб, ўз навбатида принципларни легитим, доктринал ва анъанавий турларга бўлиш мумкинлигини таъкидлаган[6, 65].

Бошқа муаллифлар эса, принциплар тизимини бироз кенгайтириб тизимлаштиради: 1) принципларнинг ҳуқук нормаларида қонуний мустаҳкамланганлигидан келиб чиқсан ҳолда мажбурий аҳамиятга эгалиги, 2) принциплар жиноят ҳуқуқнинг предмети бўлган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш механизмининг асоси бўлиб хизмат қиласи, 3) ҳуқук ижодкорлиги ва ҳуқукни кўллаш фаолиятига ҳамда фуқароларнинг ҳулк-авторига бевосита таъсир кўрсатади, 4) ҳар доим жиноят ҳуқуки мақсадлари (вазифалари), шунингдек жиноий жавобгарлик асослари билан боғлиқ бўлади, 5) жиноят қонунчилиги барча нормаларига таъсир қилиш хусусиятига эга, 6) барқарорлик хусусиятига эга, 6) қонун чиқарувчи, ҳуқуқни кўлловчи органлар ва фуқаролар учун мажбурий ҳисобланади, 8) муайян ҳуқук нормаларини мантиқан тадқиқ қилиш натижаси ҳисобланади, 9) бир тизим сифатида мавжуд бўлади ва ишлайди[7, 47].



Жиноят-хуқуқий принциплар тизимиға нисбатан юқорида күрсатилған фикрларни татбиқ этганды, легитим (норматив-хуқуқий ҳужжатлардаги, бизнинг ҳолатда Жиноят кодексидаги) нормалар аввало конституциявий принципларга мос бўлиши талаб этилади.

В.Д. Филимонов, жиноят-хуқуқий принципларни тизимлаштириш қуйидаги иккита масалани ҳал қилишни талаб қиласди: тизимлаштиришни талаб қиласдиган принциплар чегарасини белгилаш ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигини аниқлаш дейди. Унинг фикрича, Жиноят кодексида белгиланмаган, аммо жиноят хуқуқида мавжуд бир қанча принципларни содир этилган жиноят учун жиноий жавобгарлик принциплари қаторига киритиш керак[8, 42].

В.Д.Филимонов фикрларига қўшилган ҳолда жиноят-хуқуқий принципларини тизимлаштиришда уларнинг мазмуни ва тузилишига эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Ўз навбатида принципларни уларнинг мазмунига кўра тизимлаштиришда уларни принцип мазмунини ифодаловчи ҳолатларга ҳамда улар хуқукий тартибга соладиган соҳага қараш муҳим аҳамият касб этади.

Принциплар мазмунини белгилайдиган ҳолатлар Конституция қоидаларини акс эттиради, бу конституциявий қоидалар жиноят қонунчилиги учун мажбурий эканлигидан келиб чиқади.

У.Холиқулов Конституциянинг жиноят қонунчилигига таъсирининг бир нечта хусусиятларини санаб ўтган: 1) у ЖК қоидалари Конституцияда белгиланган қоидаларга зид келиб қолганида, 2) қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини белгиламайдиган Конституция нормалари ЖК Махсус қисмiga жиноят-хуқуқий таъқиқни (криминализация ёки декриминализация) ёхуд пенализация ёки депенализацияни белгилашда. Бундан ташқари, жиноят хуқуқига Конституциянинг таъсири жиноят обьекти назариясини ривожлантириш орқали ҳам намоён бўлиши мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда инсоннинг қайси хуқуқлари энг муҳим ҳисобланиши ва биринчи навбатда жиноят-хуқуқий ҳимоя қилинишини, бу эса ўз навбатида обьектив ва позитив хуқуқ назариясининг ўзаро нисбатини аниқлашни талаб қиласди [9, 64-65].

В.П.Коняхин эса, жиноят-хуқуқий тартибга солишга боғлиқ барча конституциявий қоидаларни учга бўлишни таклиф қиласган: а) жиноят-хуқуқий соҳа учун концептуал моҳиятга эга нормалар, б) жиноят қонунчилиги учун тизимни ташкил қилувчи функцияни бажарадиган, унинг вертикал (иерархик) тузилиши ва унинг мумкин бўлган норматив манбаларини аниқлайдиган нормалар, в) конструктив функцияларни бажарадиган, яъни жиноят кодекси матни билан қўшилиб кетадиган, жиноят-хуқуқий кўрсатмалар мазмунини белгилайдиган нормалар[10, 53-54].

Шу сабабдан, жиноят-хуқуқий принципларни конституциявий принциплар ва бошқа принципларга бўлиш ҳақида қарашлар ҳам мавжуд.

ЖКдаги принципларни тузилишига қараб оддий ва мураккаб тузилишга эга принциплар сифатида ҳам тизимлаштириш мумкин.

Оддий тузилишга эга принциплар сифатида битта талабдан (одатда битта қисмдан иборат нормаларда ифодаланган) иборат принципларни кўрсатишими мумкин. Жумладан, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги (5-модда), демократизм (6-модда), айб учун жавобгарлик (9-модда), жавобгарликнинг муқаррарлиги (10-модда) принциплари бир талабдан (қисмдан) иборат норма сифатида шакллантирилган.

Мураккаб тузилишига эга принциплар сифатида бир нечта талабдан иборат (бир норма бир неча қисмлардан таркиб топган) принциплар ҳисобланади. Масалан, қонунийлик (4-модда), инсонпарварлик (7-модда), одиллик (8-модда) принципларида 2-3 тадан талаблар мавжуд.

Принципларни бир-бирига ўзаро алоқадорлиги жиҳатидан ҳам бир неча гурухларга бўлиш мумкин.

Биринчи гурухга жиноий жавобгарлик шартларни белгилайдиган принципларни киритиш мумкин, уларга қонунийлик ва фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм принциплари киради. Масалан қонунийлик принципида қилмишнинг жиноийлиги, жазога



сазоворлиги ва бошқа хуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши орқали, жавобгарликнинг энг асосий шартини белгилаб қўйилган.

Иккинчи гурухга жиноий жавобгарлик асослари ва мазмунини белгиловчи принципларни киритиш мумкин, уларга инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик принциплари киради.

Учинчи гурухга жиноий жавобгарликнинг мажбурийлигини белгилайдиган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи киради.

Шунингдек, жиноят-хуқуқий принципларни легитим ва доктринал принципларга бўлиниши ҳақидаги қарашлар ҳам мавжуд[6, 67].

Легитим принциплар деганда, қонунчилик ҳужжатларида ўз аксини топган принциплар назарда тутилади. Жумладан, ЖКнинг 4-10-моддаларида белгиланган принципларни легитим принципларга киритиш мумкин. Бу принциплар аниқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш имконига эга.

Доктринал принциплар деганда, кўпроқ назарий қарашларда акс этган, шунингдек жиноят қонунида бевосита принцип сифатида акс этмаган, аммо ўз мазмунига кўра, жиноят хуқуки институтлари фаолиятини тартибга солиш хусусиятига эга қоидаларни тушуниш мумкин.

И.В.Филимонова ва Х.А.Зуховлар [11, 74-75] юридик адабиётларда нафақат жиноят хуқуқига, балки бошқа хукуқ соҳаларига ҳам таалуқли бўлган принциплар мавжудлигини таъкидлаб, мисол сифатида жавобгарликнинг индивидуаллаштириши ва дифференициация қилиш принципини кўрсатишган. Шу билан биргаликда адабиётларда қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилмаган бир нечта жиноят-хуқуқий принциплар, масалан мажбурлов чораларини (жиноий репрессия чораларини) тежаш принципи, жиноий фаолиятни давом эттиришнинг олдини олиш ва жиноий фаолиятдан кейинги ижобий фаолиятни рафбатлантириш принципи ҳам мавжуддир.

Т.Н.Панченко Жиноят кодексида белгиланган принципларни методологик принциплар, деб атаб, яна бошқа принциплар борлигини ҳам таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар қандай инсон фаолиятига таалуқли мақсадга йўналтирилганлик, тежамкорлик, амалий аҳамиятга эгалик, ва илмийлик каби принциплар мавжуддир[12, 31-34].

Айрим муаллифлар, жиноят хуқуқининг тартибга солиш принциплари сифатида жазонинг содир этилган қилмишга мувофиқлиги ҳамда мажбурлов чораларини тежаш принциплари борлигини ҳам таъкидлашади.

Бу ерда таклиф этилаётган принциплар мамлакатимиз жиноят қонунида гарчи алоҳида принцип сифатида кўрсатилмаган бўлсада, аммо унинг қоидалари қонунда белгиланган принцип мазмунида акс эттирилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Жумладан, жазонинг содир этилган қилмишга мувофиқлиги ЖКнинг 8-моддасида белгиланган одиллик принципи билан қамраб олинади.

В.Д.Филимонов ўзининг 2002 йилда чоп этилган “Принципы уголовного права” номли монографиясида принципларни тизимлаштириш бўйича қизиқарли тизимни таклиф қилган. Биз ушбу тизимни батафсил таҳлил қилишга қарор қилдик.

У жиноят-хуқуқий принципларни жиноий жавобгарлик принциплари ҳамда жиноят хуқуки Maxsus қисми хуқуқий нормалари тизими ва мазмунини белгилайдиган принципларга бўлган.

Жиноий жавобгарлик принципларини ўз навбатида жиноий жавобгарликнинг конституциявий принциплари ва жиноий жавобгарликнинг бошқа принциплари каби турларга ажратган.

Жиноий жавобгарликнинг конституциявий принциплари сифатида қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, содир этилган жиноят учун жавобгарлик принципи, ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат учун жавобгарлик принципи, айб принципи, одиллик принципи, инсонпарварлик принципларини; жиноий жавобгарликнинг бошқа принципларига жиноий жавобгарликнинг муқаррарлиги, жиноятларни ва уларнинг ижтимоий хавфли



оқибатларини олдини олиш ва судланганларнинг тузалишини рағбатлантириш принципларини киритган.

Бу ерда биз содир этилган жиноят учун жавобгарлик принципи ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат учун жавобгарлик принципини иккита алоҳида принцип сифатида бўлиниши тўғри эмас, деб ҳисоблаймиз. Чунки жиноят қонуни бўйича жиноят деганда ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳди билан жиноят деб топилади.

Ушбу Кодекс билан қўриқланадиган обьектларга заарар етказадиган ёки шундай заарар етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли қилмиш деб топилади.

Яъни, шахснинг жиноят содир қилганлиги айнан ижтимоий хавфли қилмиш содир этилганлиги ва унинг натижасида ижтимоий хавфли оқибат келиб чиққанлигини билдиради. Ўз навбатида жиноят учун жавобгарлик ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибати учун жавобгарликни назарда тутади. Шу сабабдан ҳам жиноят учун жавобгарлик ҳамда ижтимоий хавфли қилмиш ва ижтимоий хавфли оқибат учун жавобгарликни алоҳида принциплар сифатида кўрсатиш, бу тавтологияядан бошқа нарса эмас, деб ҳисоблаймиз.

Шахс, жамият ва давлатни қўриқлаш жиноят ҳуқуқи Maxsus қисми ҳуқуқий нормалари мазмuni белгилайдиган принцип сифатида кўрсатилган[8, 66-68].

В.Д.Филимоновнинг фикрича, жиноят қонуни шахс, жамият ва давлатни қўриклар экан ва бу қўриқлаш мазмuni Жиноят кодекси Maxsus қисми нормаларида акс этар экан, шу сабабдан ҳам у принцип сифатида қаралиши лозим. Бу фикрга қуидагилар туфайли қўшилиб бўлмайди:

биринчидан, ЖКнинг 2-моддасида шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш унинг вазифаси сифатида белгиланган. Ўз навбатида ЖК барча нормалари, жумладан принциплар ҳам ушбу вазифа ижросини таъминлашга қаратилган;

иккинчидан, ЖК Maxsus қисми нормалари жиноят қонуни 2-моддасида кўрсатилган қўриқланадиган обьектларга қараб тизимлаштирилган;

учинчидан, ЖК Maxsus қисми нормалари мазмuni ва тузилишини принцип сифатида баҳолаш, кодекснинг вазифалари мазмунини торайтириб қўйишга олиб келади.

В.Д. Филимонов ҳуқуқий нормаларни қўриқланадиган обьектларга қараб тизимлаштиришни ҳам жиноят ҳуқуқи Maxsus қисми принципи сифатида кўрсатар экан, ҳуқуқий нормалар қайси мезонлар асосида гурухларга ажратилиши керак ва улар қонунда қандай кетма-кетликда жойлаштирилиши керак, деган саволларни қўяди.

Албатта, Жиноят кодекси Maxsus қисми нормалари ушбу қонун билан қўриқланадиган обьектларнинг муҳимлиги ва турларига қараб жойлаштирилганлиги барчамизга маълум. Қонун чиқарувчи ЖК Maxsus қисми нормалари қандай қилиб гурухларга ажратилиши ва қандай тартибда жойлаштирилиши кераклигини алоҳида моддада аниқ белгилаб бермаган бўлсада, ЖК 2-моддасида қўриқланадиган обьектлар кетма-кетлиги ЖК Maxsus қисмини тизимлаштириш учун асос бўлган. Шу сабабдан ҳам, ЖК Maxsus қисми нормалари тизимини ҳам алоҳида принцип, деб қараш фикрига қўшила олмаймиз.

Т.Сабитов эса, жиноят ҳуқуқи принципларини тизимлаштиришда статик-динамик концепцияни илгари суради.

Унинг фикрича, ҳуқуқий принциплар ҳуқуқий тизимлар компонентларига қараб, яъни статик ва динамик принципларга бўлиниши керак.

У статик принциплар сифатида жиноят-ҳуқуқий сиёсатнинг қонун нормасида акс этган қоидалари ва жиноят ҳуқуқининг келажакдаги ривожи асосини белгилайдиган қоидаларни кўрсатади. Уларни образли қилиб принцип-мақсадлар сифатида тасвиrlайди. Динамик



принципларни эса принцип-вазифалар сифатида тасвирлайди. Динамик принципларга риоя қилған ҳолда статик принципларни амалга ошириш мүмкін[4, 143-144], дейди.

У статик принциплар сифатида қонунийлик, айб учун жавобгарлик, мутаносиблик, битта жиноят учун икки марта жавобгарликка тортилишга йўл қўймаслик, инсонпарварлик, фукароларнинг қонун олдида тенглиги, шахсий жавобгарлик, жазонинг муқаррарлиги, жиноят-хуқуқий таъсир кўрсатишнинг мақсадга мувофиқлиги, жиноят-хуқуқий таъсир кўрсатишнинг мўтадиллигини кўрсатади.

Динамик принциплар сифатида ижтимоий хавфли қилмишларни криминализация ва пенализация қилиш, жиноят ҳуқуқ ижодкорлиги, жиноят-хуқуқий қилмишларни квалификация қилиш, жазо тайинлаш, жиноят-хуқуқий рағбатлантириши кўрсатади.

М.В.Бавсун жиноят-хуқуқий принциплар ҳақида сўз юритар экан, улар кўпроқ назарий аҳамият касб этиб, амалиёт билан етарли даражада боғлиқ эмаслигини танқид қиласади[13, 63].

Унинг фикрича, жиноят қонунидаги принциплар Конституцияга асослангани ҳолда унда жиноят-хуқуқий таъсир кўрсатишнинг моҳиятини акс эттирадиган ҳеч нарса йўқ. Конституцияга асосланган принциплар тизими ҳар қандай ҳуқуқ соҳаси бўйича қанчалик мухим аҳамиятга эга бўлмасин, у маълум бир соҳада ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятларни тўлиқ кўрсата олмайди. Жиноят қонунининг Конституцияга мос бўлиши мухим ва у давлатнинг ҳуқуқий сиёсати ягоналигини таъминлади. Шу билан биргаликда ҳар бир соҳа ўзининг ҳуқуқий тартибга солиш предмети бўйича принципларига эга бўлиши керак. Шу сабабдан ҳам, жиноят қонунидаги принциплар турлари кенгайтирилиши керак, деб, бунда бирор-бир нормалардаги, шунингдек, Олий суд Пленуми тушунтиришларида учрайдиган мавжуд қоидаларни принцип сифатида белгилашни таклиф қиласади.

Илмий адабиётларда кўплаб қоидаларни жиноят-хуқуқий принциплар сифатида қараш таклиф қилинган жуда кўп қарашлар мавжуд. Жумладан, Ж.А.Неъматов жиноят қонун ижодкорлиги жараёнида криминализация (декриминализация)нинг тизимли-хуқуқий принциплари ҳақида сўз юритиб, уларни бир қанча турларга бўлиб кўрсатган:

конституцияга мослиқ принципи (барча жиноят-хуқуқий нормаларнинг Конституцияга мослиги);

криминализация (декриминализация)нинг аниқ қилмишга нисбатан тизимли-хуқуқий номувофиқ бўлмаслиги принципи (криминализация (декриминализация)нинг бошқа ҳуқуқ соҳалари нормаларига зид бўлмаслиги);

қилмишни криминализация (декриминализация) қилишнинг халқаро-хуқуқий зарурлиги (йўл қўйилиши) принципи (Жиноят кодексига киритилаётган ўзgartариши ва қўшимчаларнинг халқаро мажбуриятларга мослиги);

таъқибнинг процессуал амалга оширилиши принципи (моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг мувофиқлиги);

қонунда бўшлиқнинг бўлмаслиги ва тақиқнинг ошиб кетмаслиги принципи;

терминологиянинг аниқлиги ва ягоналиги принципи;

санкциянинг мувофиқлиги (қилмишга нисбатан) ва жиноий таъқибнинг тежалиши принципи[14, 57-62].

Албатта жиноят-хуқуқий принциплар ва жиноят қонуни принциплари турли тушунчалар бўлганлиги сабабли ҳам уларни тизимлаштиришга оид турли қарашлар мавжуд.

Хунос

Юқорида кўриб чиқилган масалаларни таҳлил қилған ҳолда биз жиноят ҳуқуқи принципларини легал ва доктринал принципларга бўлиниши тарафдоримиз. Бизнингча легал (ёки легитим) принциплар деганда, Жиноят кодексида принцип сифатида белгиланган принципларни,



доктринал принциплар деганда эса, юридик адабиётларда, олимларнинг қарашларида ифодаланган, қонунда принцип сифатида акс эттирилмаган принципларни тушунамиз.

Албатта, фикрлар хилма-хиллиги, жумладан жиноят-хуқукий принциплари тизимига оид турли қарашлар мавжудлиги жиноят хуқуки олдида турган вазифаларнинг энг мақбул ечимини топишида муҳим аҳамият касб этади.

Фикримизча, ушбу масала бўйича назарий қарашлар тахлили асосида амалдаги Жиноят кодексида белгиланган принциплар мазмунан қайта кўриб чиқилиши зарур. Бунда, ушбу принциплар бугунги кун амалиётидан келиб чиқсан ҳолда мавжуд камчилик ва бўшлиқларни тўлдириши, ижтимоий-сиёсий воқелиқдан келиб чиқиб, жиноят қонунининг такомиллаштирилиши йўналишларини белгилаши керак.

Адабиётлар

1. Мальцев В. В. Принципы уголовного права и их реализация в правоприменительной деятельности. – СПб., 2004.
2. Попов А. Н. Принцип справедливости в уголовном праве: дис. ... канд. юрид. наук. СПб., 1993.
3. Непомнящая Т. В. Назначение уголовного наказания: общие начала, принципы, критерии: учеб. пособие. Омск, 2003.
4. Сабитов Т. Уголовно-правовые принципы: понятие, система и виды. дис. ... докт. юрид. наук. Екатеринбург-2019.
5. Скурко Е. В. Правовые принципы в правовой системе, системе права и системе законодательства: теория и практика // Правоведение. 2006. № 2.
6. Нестеров А. В. О доктринах, концепциях и стратегиях // Материалы всероссийской конференции «Конституция и доктрины России современным взглядом». – М.: 2009.
7. Арендаренко А. В. Роль принципа социальной справедливости в науке уголовного права России // Закон и право. 2007. № 8.
8. Филимонов В.Д.. Принципы уголовного права. – М.: АО «Центр ЮрИнфоР» 2002. -139 с.
9. Холикулов У.Ш. Совершенствование уголовного законодательства Республики Узбекистан в условиях углубления демократических реформ. дис. ... докт. юрид. наук. Ташкент -2018.
10. Коняхин В. Конституция как источник Общей части уголовного права // Российская юстиция. 2002. № 4.
11. Филимонова И.В., Зухов Х.А. К вопросу о системе принципов современного российского уголовного права // Гуманитарные научные исследования. 2017. № 3. URL: <https://human.snauka.ru/2017/03/23018>
12. Панченко П. Н. Принципы уголовного права и линия их реализации в сфере обеспечения экономического правопорядка. Н. Новгород: НФ ГУ-ВШЭ, 2004. 131 с.
13. Бавсун М. В. Проявление принципа целесообразности при назначении наказания // Вестник Омского юридического института. 2004. № 1.
14. Нельматов Ж.А. Значение системно-правовых принципов криминализации (декриминализации) в уголовном нормотворчестве// Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш – инсон хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати. Республика илмийамалий конференцияси материаллари. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 2018.

